Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 96 (7. 185) ◎ 1990 йил 27 апрель, жума Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

ДАЪВАТКОР КУЧ

⊙ Бугунги кунда қайта қуришни бошлаб берган КПССнинг тақдири коммунистларни ҳам, партиясизларни ҳам ташвишга солмоқда. «Наҳотки, партия жамиятда рўй бераётган ўзгаришлардан ортда қолса, наҳотки яловбардорлик қила олмаса!» — деган ўй-фикрлар уларни безовта қилмоқда.

— Жамиятимиз, айниқса партия ўз бошидан оғир вазиятни кечираётган бир пайтда айрим коммунистларнинг турли баҳоналар билан уни тарк этаётганликлари виждонга тўғри келармикан!, — дейди бу ҳақда ўз фикрлари билан ўртоқлашган Киров район партия комитети мафкура бўлимининг мудири Латифжон Ғуломов. — Қани эътиқод, қани садоқат! Ахир биз Улуғ Ватан урушн йилларида жангда жон бераётиб партия билетини кўз қорачиғидек асраганларни, шеригидан уни асрашни талаб қилганларни яхши биламиз... Мана сир эмас, сизларнинг районингизда ҳам партия билетини стол устига ташлаб кетаётганлар анчагина...

— Ҳа, нимасини айтасиз. Бу аччиқ ҳақиқат. Уларга қараб гоҳ ачинасан, «чидолмасанг, неға кирган эдинг» дегинг келади. Халқимиз «Етти ўлчаб, бир кес» деб бекорга айтмаган экан. Очиғи, партияга ўтсам бир афзаллик бўлармикан деган хом хаёлда кирганлар ҳам йўқ эмас эди. Мана масалан, районимизда 1989 йили 37 коммунист, шу йилнинг ўтаётган тўрт ойида 12 коммунистнинг аризасини кўриб чиқдик. Баҳоналар ҳам турлича. 25 киши беморлиги учун, 17 киши қайта қуриш жараёнидан норозилиги учун, 15 киши партия сафида қолиш бемавридлиги учун, 7 киши аъзолик бадалларини тўлашдан бош тортганлиги учун КПСС сафидан чиқаришни сўраган.

— Менимча, бундай кишилар «Партиянинг обрў-эътибори тушиб кетди» деган иборани рўкач қилган ҳолда ўзларининг асл мақсадларига эришаётгандек туюлади....

— Аслида шундай. Баъзилар партия менга нима беряпти, фақат бадал тўлайман холос, дейди. Баъзилар етишмовчиликларни рўкач қиладн. Хўш, партия нима бериши керак?

— Ўзи ҳаёт қизиқда, ижтимоий етишмовчиликларни, жамиятимиздаги хатоликларни, соцнал адолат принципларининг бузилишларнни, қўйинг-чи, ҳамма-ҳаммасини аввал айрим собиқ раҳбарларга тўнкадик, уларни қоралядик. Энди ҳамма айб партияга тўнкаляпти. Менимча, бу ларда Ленин партиясининг айби йўқ. Биз, одамларда айб. Кимларгадир хушомад қилдик, совға, пора ҳам бердик. Қарабсизки, Тўра Тўраевич бузилмай, партия бузилсинми!!! Бу масаланинг бир оддий томони. Бунинг эса сабаблари жуда кўп. Партиянинг обрў-эътибори — партия сафатининг, партия олий мақсадларининг обрў-эътиборигина эмас, бу балки, биринчи навбатда, партиядаги ўртоқларнинг, қолаверса ҳар бир партия аъзосининг, ҳар бир раҳбар коммунистнинг обрў-эътиборидир. Раҳбар коммунистнинг ўз вазифасини сунистеъмол қилишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. У ҳалол, виждонан ишлаши зарур. Одамлар эса унн чалғитмаслнги, йўлдан оздирмаслиги керак.

— Тўғри, карахтлик йилларида кўпгина раҳбар коммунистлар ўз амалларини суиистеъмол қилдилар. Яхши ишлаш, одамларни эзгу ишларга сафарбар, даъват этиш ўрнига кўпроқ ўз ҳамёнларини ўйладилар, ўз вазифаси нуқтаи назаридан бажариши керак бўлган ишни пайсалга солиб, айрим кишилардан пора олдилар. Натижада улардан одамларнинг ихлоси қайтди. «Ҳа, фалончими, нопок одам» дейдиган бўлишди. Қарабсизки, «Томатома кўл бўлур» деганларидек, буларнинг ҳаммаси йиғиндиси, партия обрўсига путур етказди.

Биз яқин ўтмишда «социализм ўз қонунияти бўйича ривожланади» деб, партия фаолиятини идеаллаштириб ҳам қўйгандик. Мен «партиянинг обрў-эътибори тушиб кетяпти» деган гапга ҳеч ҳам кўшилолмайман. Чунки мазкур жараёнда раҳбарлик қила оладиган ягона куч — бу партиянинг ўзидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 1985 йилда партия ташаббуси билан бошланган демократия ва ошкоралик шунчалик тез ривож топдики, айрим ҳолларда партия, афсуски буни қайд этишим керак, шу ўзгаришларга бироз орқада қолди. Партиямиз қайта қуриш бошлангандан буён жамиятни сиёсий жиҳатдан янгилаш учун курашиб келдию, лекин унинг ўзи ишида туб ўзгаришлар содир этолмади.

— Баъзан корхоналардаги партия йиғилишларида бўлганимизда «Бошланғич партия ташкилотлари керакмас», аттестация — партия сиbrowи нима учун керак» деган гапларни эшитиб қоласан, киши...

— Ҳа, ахир ўша одам наҳотки киши умуртқасиз тик тура олмаслигини билмаса! Ахир бошланғич партия ташкилотлари асоснинг асоси, КПССнинг пойдеворику! Ирмоқларсиз дарё бўлмаганидек, ячейкаларсиз партия ҳам бўлмайди. Энг муҳими, партияда бирлик керак.

«Аттестация нима учун керак» деган гапга қўшилмайман. Коммунистлар сиbrowи умуман олганда фирқа аъзоларининг фаоллигини, масъулиятини оширишда, партия сафига тасодифан кириб қолганлардан, иккиюзламачилардан, амалпарастлардан тозалашда катта аҳамиятга эга бўлди. Жамиятимиз ўз бошидан ҳаётмамот даврини кечираётган бир пайтда, у КПСС сафларида кўплаб фидойи, эътиқодли, ватанпарвар, партия ишига садоқатлилар борлигини ҳам кўрсатди. 1987 йил июнь ойидан бошлаб бошланғич партия ташкилотларида коммунистларни аттестациядан ўтказиш бошланган эди. Ҳозирги кунда аттестация 245 бошланғич партия ташкилотларида олиб борилмоқда, район партия комитети қошида 7 та аттестациялаш комиссияси, бошланғич партия ташкилотларида эса 142 та комиссия ишлаб турибди.

Аттестация натижасига кўра 21 киши Киров район партия комитети бюросида КПСС сафидан ўчирилди. 19 кишига партия ҳисоб дафтарчасига ёзиш шарти билан ҳайфсан эълон қилинди.

— Тарихга назар ташласак, доҳиймиз Ленин сафдошларидан айримлари ВКП (б) сафига кирмаган эдилар, лекин улар совет давлатининг шаклланишида, революцияни ҳимоя қилишда фаол иштирок этган эдилар.

— Жуда тўғри. Бугунги кунда ҳам партиясизларнинг қайта қуришни ҳимоя қилишда фаол қатнашаётганликлари қувончлидир. Бироқ ана шу қайта қуришга ишониб-ишонқирамай аросатда юрганларга ачинасан киши. «Партияга кириш фақат лавозим учун керак» деган тушунча бугунги кунда эскирди.

— Район партия комитетлари тузилишида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Райкомларнинг янги тузилиш тартиби аппаратдаги кишилар сонини 15 кишигача қисқартириш имконини беради. Райком аъзоларининг бошланғич партия ташкилотларига ишга юборилиши, менимча сайлаб қўйиладиган партия органлари билан бошланғич партия ташкилотлари, қолаверса, оддий коммунистлар билан алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Партияга қабул қилишнинг янги усулини жойларда коммунистлар мамнуният билан қарши олдилар. Бу борадаги ортиқча сарсонгарчиликлар барҳам топди. Хозирги кунда бу тажриба районда қандай амалга оширилятн?

— Районимизда ҳозир 11.400 коммунист бор. Ўтган йили 193 киши партия сафига қабул қилинди, бу 1988 йилга нисбатан 18 кишига кўп, демакдир. Қабул қилинганлар ичида 70 киши (48,9 фонзи ишчилар) яна шунча хизматчилар, зиёлилардир, аёллар 30,1 фонзни ташкил этади. Маҳаллий миллат вакиллари 67,8 фонздан иборат.

1989 йилда районда ёшларни партия сафига қабул қилиш анча ўсди. Яъни бу 48 фонзни ташкил этди. 1989 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, район партия ташкилоти КПССнинг тажриба сифатида номзодни ўз партия ташкилотида партияга қабул қилиш услубига ўтди. Шу вақтдан бошлаб тажриба усулида 53 киши партия сафига қабул қилинди. Бу ўтган даврга нисбатан 17 коммунистга кўп, демакдир.

— КПССнинг янги Уставига коммунист сифатида қандай ўзгартишлар таклиф қила оласиз!

— КПССнинг янги Уставини тузишда ҳар бир коммунистнинг фикрини билган ҳолда шакллантириш зарур, деб ўйлайман. Бунда шошма-шошарлик кетмайди. Мен ўйлайманки, аввалом бор «Демократик централизм» принципи ўзгартирилиб, уни «Демократик бирлик» принципига айлантириш зарур.

Бундан ташқари менинг назаримда, партиянинг янгиланаётган қиёфасини молиявий муносабатларнинг мавжуд системасига асосланиши ҳозирги шароитда мумкин эмас, бу муаммо янги партия Уставида ўз ўрнини топиши шарт. Лўнда қилиб айтганда, партиянинг ишини тубдан демократиялаштириш, унинг ишида ошкораликни, партиявий ҳамдўстликни, турли нуқтаи назарларнинг соғлом мусобақасини, сиёсий баҳсларни тезроқ ва жадалроқ олиб бориш керак. Шу билан бирга, нафақат КПСС Уставини янгилаш, балки унинг Ҳаракат дастурида ҳам иттифоқдош республикалар партия ташкилотларининг барча табақалардаги мавқеини ўзгартириш ва кўтариш лозимдир.

— Ва шу билан бирга ҳозирги вақтда ҳар бир коммунистнинг позицняси, унинг қарашлари, ишлари, хулқ-атвори жуда муҳим...

— Бўлмасам-чи, ҳозирги пайтда энг муҳими — фикрлар, мулоҳазалар, ғояларнинг бутун хилма-хиллигидан чўчимаслик, одамларнинг вазият яхшиланишини кутаётганлигидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринаётган кишиларнинг уйдирмаларига учмаслик, юз бераётган қийинчиликлар олдида эсанкирамаслик керак. Ленин партияси ҳамиша даъваткор куч бўлиб келган ва совет кишиларининг катта орзу-умидларини рўёбга чиқаришда у ҳамиша ана шундай даъваткорлигича қолаверади.

Суҳбатдош Тўхтамурод ТОШЕВ.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

СИЭТЛЛИК ШИФОКОРЛАР

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети раиси А. И. Фозилбековнинг Сиэтл ва Тошкент ўртасидаги тиббий айирбошлашлар раиси доктор Рошпус Доун бошчилигидаги сиэтллик шифокорлар делегацияси билан суҳбати бўлиб ўтди.

Р. Доун билан бирга шаҳримизга юқумли «В» сариқ касалинн иммунлаш бўйича Жаҳон марказининг бош директори профессор Жемес Майнард ва Вашингтон дорилфунунининг вирусшуноси Ричард Коун келишди.

Мазкур ташрифдан мақсад «юқумли сариқ қасали» муаммолари бўйича тажрибаларни алмашишдан, «В» сариқ касалига қарши вакцина ишлаб чиқарувчи технологияни ўрнатиш масалаларини, тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликнинг бундан кейинги режаларини муҳокама қилишдан иборатдир.

А. И. Фозилбеков ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов уларга шаҳарсозлик муаммолари, шу жумладан жисмоний тарбия марказлари, спорт комплекслари муаммолари ҳақида, келажакда доривор ўтлардан дори ишлаб чиқарувчи завод қурилиши, темирйўлчиларнинг касалхона комплекси қурилиши ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик фондига раҳбарлик қилаётган вирусология илмий-тадқиқот институтининг директори профессор Ш. Х. Ҳўжаев шифокор олимлар даражасидаги алоқалар соғломлаштириш муаммоларини ҳал этишда катта наф келтиради, деб таъкидлади.

— Биз Тошкент билан ҳамкорлик қилаётганлигимиздан фахрланамиз, — деди Рошпус Доун. — Биродарлашган шаҳрингизга тўртинчи бор келишим, ҳар сафар биз ҳамкорликнинг янгидан-янги дастурларини ўртага қўйиб, ҳал этамиз. Шахсан менинг ўзим сиэтллик шифокорлар билан бирга шаҳрингиздаги 1-клиник касалхонада қисқа вақт ишлаганман. Тошкентлик шифокорлар делегацияси ҳам Сиэтлда бўлиб қайтди. Биз бир-биримиздан кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бизда ҳам кескин бўлиб турибди. Биз тиббиёт соҳасида кўпгина дастурлардан фойдаланишимиз мумкин.

Кеча сиэтллик шифокорлар делегациясини соғлиқни сақлаш вазири С. М. Баҳромов қабул қилди. Улар дематология, вакцина ва зардоб, вирусология илмий-тадқиқот институтларида, музейда, театрда ва Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлишди.

Э. МУҲАМЕДОВА.

ОВОЗ БЕРИШ ЯКУНЛАРИ

22 апрель куни республика халқ депутатларн сайловнин ўтказувчи 49-Жуковский сайлов округида ва Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи қатор сайлов округларида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатларн сайловнни ўтказувчи сайлов комиссняларининг хабарларига кўра такрорий овоз бериш натнжаларига мувофиқ қуйидагилар халқ депутатларн Тошкент шаҳар Советига сайландилар:

БЕКТЕМИР РАЙОНИ

38-сайлов округидан

Мирзажонова Хайринисо Холматовна — Бектемир район Совети раснининг ўринбосари, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

39-сайлов округидан

Ҳайдаров Маннон Иброҳимович — автотранспорт экспедиция комбинатининг муҳандиси, 1942 йилда туғилган, партиясиз.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

72-сайлов округидан

Травков Александр Владимирович — Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси агрегат-йиғув ишлаб чиқариш партия комитетининг секретари, 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

78-сайлов округидан

Сандов Аҳрор Фатхуллаевич — 4-қурилиш трести бошқарувчиси, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

92-сайлов округидан

Иванов Василий Васильевич — ҳарбий госпиталь партия ташкилоти секретари, 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

94-сайлов округидан

Мамонтов Борис Александрович—Куйбишев район партия комитети секретари, 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси.


ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

119-сайлов округидан

Жубаев Сафарбой Дўсжонович — Октябрь район уй-жой ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари, 1953 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

* * *

Сайловлар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига мувофиқ овоз беришда сайловчилар ялпи сонининг 50 фонзидан ками иштирок этган Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи 91-сайлов округидан шу йил 3 июнь куни такрорий сайловлар ўтказилади.



⊙ МАРМАР ҚИРҚУВЧИ. «Тошкент» мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси ншчиси Саидраҳмон Ғаниҳўжаев. Т. Каримов сурати.

Рўзноманинг шу сонига

ЖИДДАГА УЧИШГА ТАЙЁРМИЗ

«Президент Маккага зиёрат мавсуми яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан фармойиш чиқарди. Президент Граждан авиацняси вазирлигига ана шу мавсумда зиёрат қилмоқчи бўлган совет фуқароларн учун Москвадан, Тошкентдан ва Бокудан Жидда қўнимгоҳига аэрофлотнинг махсус рейсларнин ташкил этишнн топширди».

СССР Президенти ҳузуридаги матбуот хизмати бригининги материаллари берилган (юқоридаги сатрлар ана шу материаллардан олинган) «Известия» рўзномасининг 25 апрель сонини олиб, Ўзбекистон граждан авиацняси бошқармасига йўл олдим.

— Президент фармойишини қандай бажармоқчи бўлаяпсиз? — деб савол бердим мен бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари А. М. Тарсуковга.

Бу саволга берилган жавоб мақола сарлавҳасида келтирилган.

Жавоб жуда ҳам узил-кесил, қатъий эмасмикан? Келинг бунинг учун қандай асослар борлигини бир кўриб чиқайлик.

14 март куни Москвада мамлакатимиз мусулмон руҳонийларининг, Аэрофлотнинг ва Яқин Шарқдаги воситачи фирмалардан бирининг вакиллари мамлакатимиз мусулмонларига совға қилинган қуръонларни ташиб келтириш учун Жиддага 29 та буюртма рейсини ташкил этиш ҳақида шартнома имзоланди. Ана шу рейслардан 17 тасини Ўзбекистон авиаторлари бажариши керак эди. Йўналишни ва парвоз тартибини ишлаб чиқиш ҳам уларнинг зиммасига тушди. Ҳаво йўли Туркия, Сурия, Иордания ва Саудия Арабистони орқали ўтарди. Тошкентдан 4800 километр масофани ИЛ—76 самолёти ўртача 6 соат 40 минутда босиб ўтади. Халқаро ҳаво йўллари бўйлаб юк ташувчи ИЛ — 86 ва ИЛ — 62 самолётларига ҳам Ўзбекистон бошқармасининг мутахассислари ишлаб чиққан йўналиш бўйлаб Жиддага етиб бориш учун 6 соатдан кам вақт кетмасди. Ҳаво кемаларининг командирлари Ғуломов, Грисько бошлиқ экипажлар Ўзбекистон авиаторларидан биринчи бўлиб Жиддага рейсни амалга оширишди. Бошқарманинг етакчи мутахассислари В. Н. Тян ва Ю. И. Бенашвили уларга йўл кўрсатиб туришди.

Жиддадан муқаддас Маккагача масофа 40 километр. Бу демак, зиёратчилар самолётдан тушганларидан ярим соат ўтгач Маккада бўлишлари мумкин.

Энди гап СССР Президентининг тегишли кўрсатмалари берилган Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа идораларда қолган. Шундай бўлса ҳам биринчи қадам қўйилди: Тошкент ва Бокудан муқаддас Маккага ҳаво йўли очилди. Бу йўлни Ўзбекистон учувчилари очишди.

Ю. КАРИМОВ.

Миш-миш ва ҳақиқат

ЖАНЖАЛДАН КИМГА НАФ?

«Яхши гапнинг қаноти бор» деганларидек, хунук хабар ҳам тезда тарқалади. Юртдошимиз Ҳусниддин Маҳмудовнинг фожиали ўлими ҳам яшин тезлигида ҳамшаҳарларимизнинг оғзига тушди. У Бурятистондаги қурилиш ҳарбий қисмида солдатлик бурчини ўтаётган эди. Саломатлик бўлса яна бир йилдан сўнг туғилганлари билан дийдор кўришарди. Аммо мудҳиш ўлим уни бундай бахтли кунлардан маҳрум этди...

УТГАН ДАМ олиш куни шаҳримизнинг Октябрь районига қарашли Олмазор кўчасининг Шодлик маҳалласидаги Маҳмудовлар хонадони мусибатли бу хабардан қаттиқ ларзага келди. Бурятистондан келган телеграмма қўлдан-қўлга ўтиб, нуфузли идораларгача етиб борди. Уша куннёқ район раҳбарлари зудлик билан бу оила ҳузурига борнб таъзия изҳор қилдилар. Маҳалла аҳли билан келишиб, воқеа содир бўлган жойга вакиллар жўнатилди. Улар 4-тиш созлаш поликлникаси бош врачи муовини Аббос Умаров ва район ҳарбий комиссарнатининг бўлими бошлиғи Равиль Носиров ҳамда марҳумнинг акаси Сирожиддин Маҳмудов ва қариндоши Аҳмад Аскаровлардан иборат эдн.

«Минг бор эшитгандан бир бор кўрган яхшироқ» деганларидек, шу ўринда ҳурматли оқшомхонларимизга ушбу ўлим тафсилоти билан яқиндан таниш бўлган ва дафн маросимида бевосита иштирок этган кишиларнинг дилдан куйиниб айтган сўзларини баён этишни лозим топдик.

Уйғун ЮСУПОВ: Дўстимнинг кулоғи турган чеҳраси сира кўз олдимдан нари кетмайди. Ахир қандай унутай, биз у билан ҳар доим бирга эдик. Ҳамтуз, ҳамсуҳбат эдик. Ҳатто тўшакларимиз ҳам бирбиримга туташ эди. Қалби келажак орзулари билан лиммолим эди унинг. Уларни менга мароқ билан сўзлаб берарди. Биз ҳарбий қисмга бирга чақирилган эдик. Бир қисмда хизмат қилардик. Ишлаш жойимиз ҳам бир эди. 20 апрель куни мен навбатчи эдим. Ҳусниддин эрталаб ишга кетди. Кўп ўтмай капитан Мельников югуриб олдимга келди. У ҳаяжонланганидан зўр-базўр гапирарди. Мендан Ҳусниддиннинг яшаш жойнни сўради. Фожианн эшитиб дўстим ишлайдиган бетон заводига югурдим. Борганимда уни госпиталга олиб кетишган экан. Ишчилардан бўлган воқеани сўрадим. Билсам Ҳусниддин ишлаб чарчаган. Кейин дам олишга ўтирган. Шунда устки кийимининг бир қисми ёнгинасида айланиб турган барабаннинг орасига кирнб қолган. Кейин...

Дўстимни сўнгги йўлга кузатай, унинг қабрига ўз қўлим билан бир сиқим тупроқ ташлай деган ниятда кеча эрталаб Тошкентдан борган вакиллар билан биргаликда она шаҳримга учиб келдим. Ҳайит намоз бўлгани учун тайёрадан тушиб, тўғри Олмазор мачитига йўл олдик. Янглишмаган эканмиз. Ҳусниддин тобути шу ерга келтирилган экан. Намоз тугаши билан қабристон томон йўл олдик. Маросимга тўпланганлар шу қадар кўп эди. Дастлаб қайғу билан ҳеч нарсани тушунолмадим. Кейин йўл-йўлакай қулоғимга бегона кишиларнинг узуқ-юлуқ нохуш гаплари чалинди. Улар Ҳусниддин атайлаб ўлдирилган деган миш-мишларни тарқатишарди. Кейин бу гап баралла ошкора айтилди. Бир қарасам қандайдир хотинлар тобут олдида йиғлаб боришарди. Кимлардир бақириб-чақириб, ҳукумат раҳбарларини қоралашарди. Кейин фикрларим айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Нима бўлаётганини тушунмай қолдим. Мени бир нарса — дўстимнинг тобути тала-тортиш бўлгани қийнарди.

Аббос УМАРОВ: 22 апрель куни тўрт киши Улан-Удэга учиб кетдик. Шу куни маҳаллий вақт билан кечки соат 19 да манзилга етиб келдик. Эртасига эрталаб Ҳусниддин Маҳмудов хизмат қилган ҳарбий қисмни топиб бордик. Бизни қисм бошлиқлари кутиб олишди. Дарҳол воқеа содир бўлган жойга етиб бордик. Фожиа тафсилоти билан яхши таниш бўлганлар билан суҳбатимиздан маълум бўлдики, кўнгилсиз воқеа бахтсиз тасодиф туфайли содир бўлган.

Мен шу қисмда хизмат қилаётган 26 нафар юртдошимиз билан бирма-бир суҳбатда бўлдим. Бу ерда 30 га яқин миллат вакиллари бўлишиб, улар бир-бирлари билан аҳил ва қамжиҳат яшашар экан.

Врачлар Ҳусниддиннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кўлларидан келган ишни қилишган. Лекин оғир жароҳат ўз кучини кўрсатиб, Ҳ. Маҳмудов шу куни кечаси оламдан ўтибди. Тиббий экспертиза хулосаси ҳам шуни исботлаб турибди.

Шу куни марҳум билан бирга унинг акаси С. Маҳмудов, қариндоши А. Аскаров ва Ҳусниддин хизмат қилган ҳарбий қисм вакили М. А. Сидороненколар Тошкентга учиб кетишди. Биз эртасига эрталаб учиб келдик. Мачитда мени турли тоифа кишилар ўраб олишди. Бўлган воқеанн аниқ айтиб беришимни сўрашди. Уларга бор ҳақиқатни гапирдим. Барчанинг сўзимга ишонишмади. Узларича Ҳусниддинни уриб ўлдирилган, деган гап-сўзларни қилишди.

Одатимизга кўра марҳум жаноазадан сўнг қабристонга олиб борилиши керак. Лекин бу сафар урф-одатимизга қарши борилди. Қандайдир кучлар тобутни устн очиқ машина устидан ошириб, митинг қилаимиз деб тўғри В. И. Ленин майдони сари ҳаракат қилишди. Кейин билсам, улар «Бирлик» ташкилотининг аъзолари экан.

Ёдгор ОБИДОВ: Мен Октябрь район маҳаллалар кенгашининг раиснман. Шу ёшга кириб ҳали бунақа воқеанн кўрмаганман. Воқеанн эшитиб, Маҳмудовлар хонадонига бордим. Ҳовли ниҳоятда нотинч. Бегона кишилар ўз кўзлари билан кўргандек, аскар йигит Ҳусниддиннинг ўлимига ўзларича тўн бичишарди. Улар «Бирлик»нинг одамлари эди. Кўрнниб турибдики, бу ташкилот вакиллари ўлим баҳона маросимга йиғилганларнинг фикрини чалғитишга уринишарди. Шодлик маҳалласи комитетининг раиси Юнус Зуфаров уларни тинчитишга уринар, лекин улар ўртада низо чиқаришга ҳаракат қилишарди, ҳукуматга қарши сўзлар айтишарди. Воажаб, Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари, хусусан Президентимиз И. А. Каримовнинг ўзлари қатор маърузаларда, ҳатто яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида жумҳуриятимиздаги Иттифоқимизнинг қурилиш ҳарбий қисмларига чақирилувчи ёшларни республикамизнинг ўзида олиб қолиш ҳақи ҳам чиқиб турган ва бу масалани узил-кесил ҳал этишни Иттифоқдаги тегишли идоралар олдига қўяётган бир пайтда бундай бўҳтон сўзларни айтишга қандай журъат этишди экан, ўша кимсалар.

Қулақмад РИЗАЕВ: Врачлик бурчим, қолаверса Ўзбекистон ССР халқ депутатлигим тақозоси билан ушбу воқеанн эшитишим биланоқ Маҳмудовлар хонадонига бордим. Ҳовлига кириб ҳайрон бўлиб қолдим. Бир гуруҳ одамлар олдимизга қандайдир талабларни қўймоқчи бўлишарди. «Мақсадингизни очиқ айтинглар, нима истайсизлар» дедим. «Уликни бизнинг гувоҳлигимизда қайта тиббий экспертиза қилиш керак», — дейишди. Рози бўлдик. Иккинчи текширув натижалари ҳам худди биринчисидек, ўлим техника жароҳати туфайли содир бўлганлигини исботлаб берди. Лекин шунга қарамай, «Бирлик» аъзолари дафн маросими куни ҳам ўзларининг ниятларини амалга оширишга уриниб кўришди. Ахир Ўзбекистон жумҳурияти раҳбарлари бошқа ўлкаларга қурилиш қисмларига жўнатилаётган жигаргўшаларимизнн ўз ҳудудимизда олиб қолишга жазм этиб турган вақтда юқоридаги ташкилот вакилларининг қилмишларини адолатдан деб бўладими? Ахир Ўзбекистон раҳбарияти шу масалани ечиш борасида фаол иш олиб бораётганидан ҳаммамиз хабардормиз-ку!

Куни-кеча бу масалани тезроқ ҳал этиш учун уч Ўзбекистон ССР халқ депутати ва битта «Бирлик» ташкилотининг аъзосидан ташкил топган комиссиянинг Москвага жўнаб кетганлиги юқоридаги фикрни яққол исботлаб турибди-ку!

Ҳабибулла ИСМОИЛОВ: Октябрь район Олмазор маҳалласи мачитининг имом хатибимаи. Иншоолло, аҳли ислом йўлида хизмат қилиб келаяпман. Шу куни мени бир нарса ҳайратга солди. «Бирлик» ташкилотининг аъзоларидан бири — Миролим Одилов дафн маросимида менга қараб: «Сизларни бошқа вақтда топиб бўлмайди. Ҳозир бу ерда нима қилиб юрибсиз?» деди. Мен унга қараб: «Менку дину ислом йўлидаги бурчимни адо этгани келдим. Лекин сиз нима мақсадда бу ерда юрибсиз?» дедим.

Михаил Аксентьевич СИДОРЕНКО: Мен Ҳусниддин Маҳмудов хизмат қилаётган ҳарбий қисмданман. Очиғини айтсам, фожиани эшитиб шошиб қолдим. Қисмимизда бунақа воқеа биринчи марта содир бўлиши эди.

Дарҳол ўша жойга етиб бордим. Госпиталга югурдим. Врачларга ялиниб-ёлвордим, аммо бешафқат ўлим олдида ҳаммамиз ночор қолдик. Қисмимиз байналмилал онла деса ҳам янглишмайман. 30 хил миллат вакиллари бир ота-онанинг фарзандларидек хизмат қилишади. Улар орасида айниқса Ҳусниддин ширин сўзлиги ва одоблилиги билан ажралиб турарди. Ўртоқлари ҳам, биз ҳам дилдан яхшн кўрардик.

Оғир мусибат бошига тушган оилага таъзия билдириш учун Тошкентга келдик. Лекин бу ерда кўрган-кечирганларим мени ҳайратга солди. Один сўзингга ишонмовчилар ўзларини ҳақу, сени нохақ қилиб кўрсатишга уринишарди.

Ишонтириб айтаманки, ҳақ жойда қарор топади. Ҳозир бу воқеа тафсилоти ва техника хавфсизлигини тўла таъминламаган унинг айбдорлари юзасидан жиноий иш қўзғатилган...

Худди шу ерда биз ҳам мақолага нуқта қўямиз. Ҳақ жойда қарор топишига ишонамиз. Лекин бу фожиадан ўзларича ҳисса чиқаришга уринган «Бирлик» вакилларининг бу қилмишини адолатдан деб бўлмайди.

М. ОРИПОВ.

Район партия конференцияларида

ЭРТАНГИ КУНГА НАЗАР ТАШЛАСАК...

Биргина коммунистларгина эмас, бутун совет халқи КПСС XXVIII съездини сабрсизлик билан кутаяпти. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият, умуман қайта қуришнинг тақдири ана шу съезд қандай ўтишига, қандай қарорлар қабул қилишига боғлиқ эканлиги ҳаммага аён. Шунинг учун ҳам бу йилги ҳисобот-сайлов кампаниясида партия ташкилотларининг диққат-эътибори ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда бугунги кунниинг мураккаб шароитларида, КПССнинг якка ҳокимлиқдан воз кечганлиги, кўп партиялилик ривожланиб бориши муносабати билан вужудга келиши мумкин бўлган вазиятда партия ташкилотлари ва партия комитетларининг фаолияти ҳақида жиддий гап бўлиб ўтишига қаратилган эди.

Шу жиҳатдан, Сергели район VII партия конференцияси ҳам район партия комитети, тафтиш комиссияси ишини таҳлил этиб, уларнинг фаолиятига баҳо берибгина қолмай эртанги кунга мўлжалланган ўз фаолиятининг стратегияси ва тактикасини ҳам белгилайди, деб кутиш мумкин эди. Бунга қай даражада муваффақ бўлинди! Биргина ҳақиқат шу, деган хулосага даъво қилмаган ҳолда шу масала юзасидан ўз нуқтаи назаримни баён этишга ҳаракат қилиб кўраман.

Очиғини айтиб кўя қолай, докладдан кўп нарсаларни кутган эдим. Бир қарашда унда ҳамма нарса ҳисобга олингандек туюларди: докладдан райкомнинг ижтимоий масалаларни ҳал этиш, Сергели районининг муаммолари, жамоат ташкилотларининг фаолияти ва ҳоказо масалалар бўйича амалга оширган ишларига доир тегишли бўлимлар ўрин олди. Райкомнинг, бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти кўринишлари ва услублари, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳасининг муҳокамаси, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига очиқ хати муҳокамаси тилга олиб ўтилди. Шак-шубҳасиз, докладда кўтарилган барча масалалар район партия комитетининг назаридан четда қолмаслиги керак. Зеро улар сергелиликларнинг бир неча йиллардан бери гапириб келинаётган кўп сонли муаммоларини ижроия комитети билан биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилаётган район партия комитетининг амалий ишларидан далолат беради.

Кейинроқ доклад билан сўзга чиққан район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Манасов райком пленумида, доклад лойиҳаси муҳокама қилинаётган пайтда районнинг долзарб муаммолари ҳақида гап борадиган бўлимларни кенгайтириш ва уларга қўшимча киритиш ҳақидаги райком аъзоларининг фикри ҳисобот доклади мазмунида ўз ифодасини топди, деб изоҳ берди. Конференцияга райком аппаратининг ёки секретарларининг ҳисобот доклади эмас, айнан район партия комитетининг ҳисобот доклади тақдим этилганлиги учун район партия комитети аъзоларининг талабларини ҳисобга олмаасликнинг иложи йўқ эди. Бу қандай наф келтирди? Ҳеч нарсани тасдиқламайман, аммо ҳисобот доклади конференцияга ўзига хос руҳ бағишлади. Ҳар ҳолда делегатларнинг дастлабки нутқларида бевосита партия ташкилотларининг иши тўғрисида ҳеч нарса айтиб ўтилгани йўқ. Шунинг учун бўлса керак, биргина В. И. Андагина эмас, бошқаларда ҳам биз партия конференциясидами ёки район Советининг сессиясида ўтирибмизми, деган таассурот вужудга келди.

Аҳён-аҳёнда хаёлимда, ҳозир партиявий ишларнинг йўналиши тубдан ўзгараётганлигини, партиянинг янгиланиши биз кўникиб қолган масалаларга ва тушунчаларга янгича назар билан қарашни талаб қилишини, бугунги кунда ўз сафлари бирлиги билан бирга тез ўзгариб бораётган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда ҳаракат бирлигини таъминлаш учун ҳам район партия ташкилотининг партия ички ҳаётининг муҳим масалалари бўйича нуқтаи назарини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш муҳимроқ эканлигини конференция делегатларининг ҳаммаси ҳам охиригача тушунмаяпти, деган фикр пайдо бўларди. Масалан, коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига очиқ хати юзасидан ягона фикрга эга эмас. Очиқ хатда демократиялаш ва фикрлар эркинлигидан фойдаланиб, аслини олганда, партия ичида КПСС сафларини парчалаб юборишга қаратилган тарафкашлик курашини олиб борадиган партия аъзоларидан қатъиян халос бўлиш зарурлиги ҳақида очиқ-ойдин айтиб ўтилган. Эҳтимол Сергели райони коммунистлари ўртасида ҳам бу ҳақда жиддий гаплашиб олиш керак эди.

Делегатлар В. П. Капленков ва В. К. Угаровларнинг нутқлари содда, айни вақтда кўпгина «оддий» коммунистларга тушунарли бўлди. Улар бугунги кунда партия ташкилотлари ва коммунистлар меҳнат жамоаларида қандай обрў-эътиборга эга эканлигини иш жойларида яхши ҳис этиш мумкин, дейишди. Партия ташкилотлари биринчи навбатда муайян одамлар билан ва муайян одамлар учун ишлашлари зарурлиги ҳақида жиддий равишда ўйлаб олиши керак. Бу бугунги кунда, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқлари кенгайиб бораётган, ўз навбатида масъулияти ҳам ошиб бораётган бир пайтда жуда муҳимдир. Шу муносабат билан, нотиқларнинг фикрига қараганда, бошланғич партия ташкилотларининг озод бўлмаган секретарлари мақомини ҳам аниқлаш зарур. Уларга илгари ҳам ўз хизматларини жамоат топшириқлари билан қўшиб олиб бориш мушкул эди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида эса, айниқса кўппартиялилик кўзга ташланиб бораётган бир пайтда, ҳар қандай ходимнинг жамоат топшириқларини бажаришга жалб этилишидан норози бўлган маъмурият билан келишмовчиликлар ва ихтилофлар келиб чиқиши мумкин.

Район партия конференциясида талайгина партиявий масалаларга жавоб берилмай қолди. Минбарга кўтарилаётган ҳар бир нотиқни «Амалий ғоялар керак — таклиф қил!» шиори «кутиб олганига» қарамай залдан район партия комитети фаолиятини қайта қуришга доир амалий таклифи кам бўлди. Жами таклифлардан озми-кўпми иккитаси эсда қолди. Биринчи таклиф райком ва район ижроия комитети аппаратларининг партия ташкилотларини тугатиб, уларнинг аъзоларини район бошланғич партия ташкилотлари ҳисобига қўйиш ҳақида эди. Иккинчиси коммунистлар партияга бўлаётган ҳужумларга йиғилишлардагина эмас, ҳамма ерда зарба беришлари лозимлиги ҳақида эди. Бундай ҳужумлар ҳамма ерда эшитилиб турибди, аммо талайгина коммунистлар сукут сақлаб туришади, баҳслашишмайди, мунозарага киришишмайди. Ваҳоланки партиянинг обрўйи унинг аъзолари ўз қарашларини ва эътиқодларини нақадар ҳимоя қила билишларига ҳам боғлиқ.

Шундай экан, конференция танқидий руҳда ўтди, район ҳаётининг ва аҳолисининг кўпгина етилган, муҳим муаммоларини кўтарди, деб айтиш мумкин. Аммо партия конференцияси сифатида ўзини тўла оқлагани йўқ. Бунинг учун одатдагидек райком аппаратини айблаш керак эмас. Райком район коммунистларининг анжуманн уюшқоқлик билан, амалий руҳда ўтиши учун талайгина ишларни амалга оширди. Ҳамма нарса делегатлар конференцияга қандай тайёргарлик кўришига боғлиқ эди. Улар ўзларини вакил қилиб сайлаган ўз партия ташкилотларининг фикрини кўпчиликка етказа олдиларми? Афсуски, барча делегатлар ҳам бунинг уддасидан чиқиша олганлари йўқ.

Эътиборга сазовор бир мисол. Делегатларнинг бир қисми мамлакатда назоратчилар етиб ортади, Назорат, тафтиш комиссиясини тузиш мақсадга мувофиқми, деб шубҳа билдирди. Нима ҳам дердик, чиндан ҳам бизда назорат қилувчи органлар етарли, аммо уларнинг самарадорлиги ниҳоят даражада паст эканлиги ҳам сир эмас. Аммо ҳуқуқлари кенгайиб бораётган, шу жумладан йиғилган аъзолик бадалларининг эллик фоизига қадарини ўз эҳтиёжлари учун қолдириш, шунингдек партияга қабул қилиш ва КПСС сафларидан чиқариш ҳуқуқлари берилаётган партия ташкилотлари назоратдан четда қолиши керак, деган фикрни билдирмайди. Тафтиш комиссиясининг докладида келтирилган аъзолик бадалларини тўлаш борасидаги кўп сонли қоида бажарилиши устидан назоратни бекор қилишга ҳали эрта эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари назорат-тафтиш комиссиясининг тузилиши партия комиссиясини райком «қаноти» остидан олиб чиқади, унга айниқса КПСС аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта мустақиллик ва ваколатлар беради. Назорат-тафтиш комиссиясининг вазифалари ҳам нисбатан кенгроқ эканлигини, қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси устидан, коммунистларнинг Устав талабларига риоя қилиши устидан назорат ва ҳоказолар унинг зиммасига киришини унутмаслик керак. Бундан ташқари, комиссиянинг тузилиши айрим коммунистлар ўйлаганидек, аппаратнинг кенгайишига олиб келмайди: район партия комитети ҳузуридаги ҳозирги партия комиссиясининг озод қилинган раиси ўрнига назорат-тафтиш комиссиясининг озод қилинган биргина раиси бўлади холос.

Ўйлайманки, конференция ишининг яна бир жиҳатини четлаб ўтиб бўлмайди. Делегатлардан бири давлат тили тўғрисидаги Қонун қоидаларига риоя қилиш ҳақидаги масалани тилга олиши биланоқ, ўзига хос баҳс бошланиб кетди: талайгина сўзга чиқувчилар шу борадаги ўз нуқтаи назарларини баён этиш лозим деб топди. Шак-шубҳасиз, қонунларга ҳамиша, ҳар соҳада амал қилиш керак. Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг маълум қоидаларини турли тадбирларни, шу жумладан партия конференцияларини тайёрлаш ва етказишда ҳам ҳисобга олиш зарур. Аммо бу ишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш, ҳаддидан ошириб юбормаслик керак. Чунки бу масалада бир-бирини тушунмаган одамлар, бошқа, янада катта ва муҳим масалаларда бир-бирини тушунмаслиги мумкин.

Ваҳоланки, бугунги кунда бир-бирини тўғри тушуниш, ўзганинг фикрига, баҳс пайтида мухолифнинг нуқтаи назарига сабр-бардошли бўлиш ғоят даражада муҳим. Бусиз партия сафларининг бирлиги ҳақида, қайта қуриш тарафдорларининг кучларини жипслаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Конференция қатнашчилари район партия комитетини, назорат-тафтиш комиссиясини, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент область партия конференцияларига делегатларни сайладилар. Юқори партия органларига, шунингдек Узбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига номзодлар кўрсатилди.

А. А. Манасов Сергели район партия комитетининг биринчи секретари, М. Ҳ. Ҳасанова — иккинчи секретари этиб сайландилар.

Конференция делегатлари ҳузурида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов сўзга чиқди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов иштирок этди.

С. ЛУТФУЛЛАЕВ.



⊙ УСТОЗ ВА ШОГИРД. «Чевар» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчилари Озода Пўлатова ва Малика Нурмуҳаммедова.

Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

Ечими йўқ муаммоми?

⊙ Тошкентнинг ҳавоси тоза, суви ширин, қуёши нурли, табиати гўзалдир. Шундай экан, уни асраб-авайлаш, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

ТОШКЕНТНИНГ марказий кўчалари бўйлаб сайр этиб қолсангиз, йўл бўйидаги яшил ҳиёбонларни, довдарахтларни кўриб дилингиз яйрайди. Аммо шаҳар марказидан узоқлашганингиз сайин бошқа бир дунёга келиб қолгандай бўласиз. Эндигина ўзингиз гувоҳи бўлган тозалик, озодалик олдида туман пайдо бўлади. Йўллар ўйдим-чуқур, кўчалар ифлос. Автобус бекатларини сигарет қолдиқлари ва фойдаланилган чипталар хира қилиб турибди. Аслида эса жамоат жойлари, транспортларнинг тўхташ бекатлари саранжом-сариштa, тоза бўлмоғи керак. Афсуски, ҳамшаҳарларимиздаги сусткашлик ва ваколатлар беради. Назорат-тафтиш комиссиясининг вазифалари ҳам нисбатан кенгроқ эканлигини, қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси устидан, коммунистларнинг Устав талабларига риоя қилиши устидан назорат ва ҳоказолар унинг зиммасига киришини унутмаслик керак. Бундан ташқари, комиссиянинг тузилиши айрим коммунистлар ўйлаганидек, аппаратнинг кенгайишига олиб келмайди: район партия комитети ҳузуридаги ҳозирги партия комиссиясининг озод қилинган раиси ўрнига назорат-тафтиш комиссиясининг озод қилинган биргина раиси бўлади холос.

Ўйлайманки, конференция ишининг яна бир жиҳатини четлаб ўтиб бўлмайди. Делегатлардан бири давлат тили тўғрисидаги Қонун қоидаларига риоя қилиш ҳақидаги масалани тилга олиши биланоқ, ўзига хос баҳс бошланиб кетди: талайгина сўзга чиқувчилар шу борадаги ўз нуқтаи назарларини баён этиш лозим деб топди. Шак-шубҳасиз, қонунларга ҳамиша, ҳар соҳада амал қилиш керак. Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг маълум қоидаларини турли тадбирларни, шу жумладан партия конференцияларини тайёрлаш ва етказишда ҳам ҳисобга олиш зарур. Аммо бу ишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш, ҳаддидан ошириб юбормаслик керак. Чунки бу масалада бир-бирини тушунмаган одамлар, бошқа, янада катта ва муҳим масалаларда бир-бирини тушунмаслиги мумкин.

Ваҳоланки, бугунги кунда бир-бирини тўғри тушуниш, ўзганинг фикрига, баҳс пайтида мухолифнинг нуқтаи назарига сабр-бардошли бўлиш ғоят даражада муҳим. Бусиз партия сафларининг бирлиги ҳақида, қайта қуриш тарафдорларининг кучларини жипслаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Конференция қатнашчилари район партия комитетини, назорат-тафтиш комиссиясини, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент область партия конференцияларига делегатларни сайладилар. Юқори партия органларига, шунингдек Узбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига номзодлар кўрсатилди.

А. А. Манасов Сергели район партия комитетининг биринчи секретари, М. Ҳ. Ҳасанова — иккинчи секретари этиб сайландилар.

Конференция делегатлари ҳузурида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов сўзга чиқди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов иштирок этди.

С. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ марказий кўчалари бўйлаб сайр этиб қолсангиз, йўл бўйидаги яшил ҳиёбонларни, довдарахтларни кўриб дилингиз яйрайди. Аммо шаҳар марказидан узоқлашганингиз сайин бошқа бир дунёга келиб қолгандай бўласиз. Эндигина ўзингиз гувоҳи бўлган тозалик, озодалик олдида туман пайдо бўлади. Йўллар ўйдим-чуқур, кўчалар ифлос. Автобус бекатларини сигарет қолдиқлари ва фойдаланилган чипталар хира қилиб турибди. Аслида эса жамоат жойлари, транспортларнинг тўхташ бекатлари саранжом-сариштa, тоза бўлмоғи керак. Афсуски, ҳамшаҳарларимиздаги сусткашлик ва ваколатлар беради. Назорат-тафтиш комиссиясининг вазифалари ҳам нисбатан кенгроқ эканлигини, қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси устидан, коммунистларнинг Устав талабларига риоя қилиши устидан назорат ва ҳоказолар унинг зиммасига киришини унутмаслик керак. Бундан ташқари, комиссиянинг тузилиши айрим коммунистлар ўйлаганидек, аппаратнинг кенгайишига олиб келмайди: район партия комитети ҳузуридаги ҳозирги партия комиссиясининг озод қилинган раиси ўрнига назорат-тафтиш комиссиясининг озод қилинган биргина раиси бўлади холос.

Ўйлайманки, конференция ишининг яна бир жиҳатини четлаб ўтиб бўлмайди. Делегатлардан бири давлат тили тўғрисидаги Қонун қоидаларига риоя қилиш ҳақидаги масалани тилга олиши биланоқ, ўзига хос баҳс бошланиб кетди: талайгина сўзга чиқувчилар шу борадаги ўз нуқтаи назарларини баён этиш лозим деб топди. Шак-шубҳасиз, қонунларга ҳамиша, ҳар соҳада амал қилиш керак. Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг маълум қоидаларини турли тадбирларни, шу жумладан партия конференцияларини тайёрлаш ва етказишда ҳам ҳисобга олиш зарур. Аммо бу ишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш, ҳаддидан ошириб юбормаслик керак. Чунки бу масалада бир-бирини тушунмаган одамлар, бошқа, янада катта ва муҳим масалаларда бир-бирини тушунмаслиги мумкин.

Ваҳоланки, бугунги кунда бир-бирини тўғри тушуниш, ўзганинг фикрига, баҳс пайтида мухолифнинг нуқтаи назарига сабр-бардошли бўлиш ғоят даражада муҳим. Бусиз партия сафларининг бирлиги ҳақида, қайта қуриш тарафдорларининг кучларини жипслаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Конференция қатнашчилари район партия комитетини, назорат-тафтиш комиссиясини, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент область партия конференцияларига делегатларни сайладилар. Юқори партия органларига, шунингдек Узбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига номзодлар кўрсатилди.

А. А. Манасов Сергели район партия комитетининг биринчи секретари, М. Ҳ. Ҳасанова — иккинчи секретари этиб сайландилар.

Конференция делегатлари ҳузурида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов сўзга чиқди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов иштирок этди.

С. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Истеҳзоли хатлар

Мудроқ идора

ФАРАЗ қилинг: тунги пайт ишдан қайтаётиб безориларга дуч келдингизу, сизни «шилиб» кетишди, ёки шундай пайтда шахсий машинангизни ўғирлаб кетишди. Сиз эса дарҳол милицияга хабар қилиш учун телефон автоматини излаб қоласиз. Топдингиз ҳам дейлик, автомат эса бузуқ, иккинчи автоматга яқинлашасиз, у ҳам шу аҳволда, учинчиси ҳам... Токи бузилмаган телефон автомати топилгунча асабингиз бузилади, сизни хўрлаганлар эса аллақачон изларини супуриб улгурган бўлишади.

Шаҳримизда бу кабн омадсизликларнинг юз бериши ҳозир ҳеч кимни ажаблантирмай қўйган. Чунки кўчаларда хўжакўрсинга турган бузуқ телефон автоматларини кўрган ҳар бир ишнинг хаёлидан «Шуларни ҳам ўйлайдиганлар борми-кан» деган савол тез-тез ўтиб туради. Мисол келтириш учун узоққа бориш шарт эмас: шаҳримиздаги Бобожонов ҳамда Абдураҳмонов кўчалари кесишган жойда 6 та телефон автомати бор, тўғрироғи бир пайтлар бўлган. Ҳозирда эса уларнинг қуруқ савлатларигина қолган. Умуман, Абдураҳмонов кўчасидаги бекатларда жойлашган бундай автомат телефонларнинг ишга яроқлисини топиш қийин.

Шаҳримиздаги гавжум жойлардан бири — Кўкча дарвозасидир. Бу ерда кундузи чироқ ёқиб зўрға 2 та телефон автомати топиш мумкин. Буларнинг бир-биридан узоқда жойлашганлиги етмагандек, яна ишламаслиги ҳам одамнинг асабини бузади. Мана бу ҳол эса киши эътиборини албатта тортмай қолмайди. Пойтахтимизнинг Оқтепа майдони катта ва серқатнов бўлиши билан бу ердаги телефон автоматлари ҳам талайгина. Лекин қайси автоматга яқинлашманг дилингиз хира бўлади, 2—3 та яроқлисини ҳисобга олмаганда 15 та яроқсиз телефон автоматини санайсиз. Бу каби мисолларни анчагина келтириш мумкин. Қисқагина айтадиган бўлсак, Тошкент Давлат дорилфунунининг атрофида жойлашган 6 та; 1-шаҳар касалхонаси атрофида 4 та; «Фарғона» қаҳвахонасига яқин жойда 4 та; Қорақамиш савдо растаси атрофида ҳам 4 та телефон автомати мутасадди ходимлар эътиборига зор. Бу каби телефон автоматларининг бирининг гўшаги синган бўлса, бирининг симлари чиқиб тарвақайлаб кетган, баъзиларининг эса фақатгина қутиси қолган, умуман телефон аппарати бўлмаган салонлар ҳам йўқ эмас.

Ушбу камчиликларга жавобгар ташкилотларнинг тегишли хулоса чиқаришларига ишонамиз. Лекин бу каби мудроқ ташкилотларнинг ҳушёр тортишлари учун албатта четдан туртки бўлиши шартмикан?

А. АБДУРАҲМОНОВ,
ТошДУ талабаси.



⊙ КУАЛА-ЛУМПУР чеккасидаги тоғли гўшада жойлашган машҳур Бату ғори саёҳатчиларнинг энг асосий зиёратгоҳларидан бири ҳисобланади. Қадимги ривоятларга қараганда, мазкур ғор Субраманьям тангрининг бошпанаси ҳисобланади. Шунинг учун Малайзиянинг турли бурчакларидан диндорлар бу ерга сажда қилгани келадилар.

СУРАТДА: Бату ғорига кираверишда.

Б. Клишницер (ТАСС) сурати.

Шарқий Европа:

«Мулойим инқилоб»нинг тиканаклари

Шарҳчи сатрлари

БИЗ Шарқий Европадаги ўзгаришларни гоҳ «эски структураларнинг бузиб ташланиши», гоҳ «сиёсий тошқин» деб атаб, ана шу жараёнларга фақат мусаффо этувчи жиҳатларгина эмас, вайрон қилувчи жиҳатлар ҳам хослиги ҳақида кам ўйлаймиз. Жамият баъзи табақаларининг қувончи ва шоду хуррамлиги бошқалар учун шахсий фожиа келтирмоқда ва уларнинг ҳуқуқлари бузилмоқда.

Польша, ГДР, Чехословакия, Руминияда авторитар режим ўрнига демократияни ўзининг асосий қадрияти, деб эълон қилган янги ҳокимиятлар келганидан буён орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин бу декларациялар ҳозирча ана шу мамлакатлардаги жамият демократия сари, ҳуқуқий давлат барпо этиш сари жиддий равишда олға силжиганидан далолат бермаяпти.

Чехословакияда ноябрь ойида ҳокимият алмашишини «мулойим» ва «юмшоқ» инқилоб деб аташ узоққа бормади. Ҳақиқатан ҳам бир неча ҳафта ўтганидан сўнг мамлакатдаги кўп шаҳарларда фақат коммунистлардан иборат «адолатсиз равишда ишдан бўшатилганлар клуби» тузила бошлаган экан, бундай инқилобни «мулойим» деб аташ мумкинми, ахир? Директорлар, прокуроролар, партия ходимлари дўқ-пўписа кампанияси туфайли ўзини ўзи ўлдирганлиги тўғрисидаги хабарлар жамоатчиликни ларзага солган экан, буни «юмшоқ» инқилоб деб бўладими? Словакия савдо инспекциясининг собиқ бош директори Юлиус Грибикнинг Братиславадаги «Палива» корхонаси ҳовлисида апрель ойининг бошларида ҳамманинг олдида ўзини ўт қўйганлиги ана шу шахсий фожиаларнинг чўққиси бўлди. Ана шу 58 яшар одамнинг, намунали эр ва отанинг хизматда ёки оиласида ҳеч қандай нуқсони, фожиаси йўқ эди. Уни ана шу сўнгги чорани қўлланишга мажбур қилган бирдан-бир сабаб компартияга мансублиги учунгина адолатсиз равишда «совуқ олов»да ёнасан, деб ваъда қилганликларини тергов кўрсатди).

Ҳозир эса Чехословакиядаги газеталарнинг кўпида бу воқеа ҳақида лоқайд хабарларгина кўзга ташланди. Фақат коммунистик матбуот Грибик ўзини ўзи ўлдиргани сабабларини батафсил ёритди. Шуниси равшанки, тарих тақрорланмоқда, бинобарин бабли унча сезилмайди.

Шунга қарамай бу ерда ҳам ачинарли фактлар мавжуд. Бу фактларнинг энг янгиси — Собиқ ПБИПнинг ва унинг меросхўри бўлган Польша Социал Демократиясининг сўнгги таянчи бўлган «Праса-Ксенжка-рух» ишчи нашриёт кооперативи тугатилганлигидир. Сеймнинг нашриётни тугатиш тўғрисидаги қарори сўл кучларни матбуот базасидан маҳрум ниҳоят Совет-ҳарбий госпитали — маънавий жиҳатдан эзилган оғир касал кишининг бошига солинган бу кулфатлар ҳозирги ГДР образини чиройли қилиб кўрсатмайди. Бунинг устига, Хонеккерга қарши қўйилган жиддий айблар, масалан давлатга хиёнат қилиш ҳақида қўйилган айблар аввал бошданоқ ишонарли эмасди ва тергов давомида ҳам тасдиқланмади.

Шарқий Европадаги ўзгаришларни гоҳ «эски структураларнинг бузиб ташланиши», гоҳ «сиёсий тошқин» деб атаб, ана шу жараёнларга фақат мусаффо этувчи жиҳатларгина эмас, вайрон қилувчи жиҳатлар ҳам хослиги ҳақида кам ўйлаймиз. Жамият баъзи табақаларининг қувончи ва шоду хуррамлиги бошқалар учун шахсий фожиа келтирмоқда ва уларнинг ҳуқуқлари бузилмоқда.

Польша, ГДР, Чехословакия, Руминияда авторитар режим ўрнига демократияни ўзининг асосий қадрияти, деб эълон қилган янги ҳокимиятлар келганидан буён орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин бу декларациялар ҳозирча ана шу мамлакатлардаги жамият демократия сари, ҳуқуқий давлат барпо этиш сари жиддий равишда олға силжиганидан далолат бермаяпти.

Чехословакияда ноябрь ойида ҳокимият алмашишини «мулойим» ва «юмшоқ» инқилоб деб аташ узоққа бормади. Ҳақиқатан ҳам бир неча ҳафта ўтганидан сўнг мамлакатдаги кўп шаҳарларда фақат коммунистлардан иборат «адолатсиз равишда ишдан бўшатилганлар клуби» тузила бошлаган экан, бундай инқилобни «мулойим» деб аташ мумкинми, ахир? Директорлар, прокуроролар, партия ходимлари дўқ-пўписа кампанияси туфайли ўзини ўзи ўлдиргани-лиги тўғрисидаги хабарлар жамоатчиликни ларзага солган экан, буни «юмшоқ» инқилоб деб бўладими? Словакия савдо инспекциясининг собиқ бош директори Юлиус Грибикнинг Братиславадаги «Палива» корхонаси ҳовлисида апрель ойининг бошларида ҳамманинг олдида ўзини ўт қўйганлиги ана шу шахсий фожиаларнинг чўққиси бўлди. Ана шу 58 яшар одамнинг, намунали эр ва отанинг хизматда ёки оиласида ҳеч қандай нуқсони, фожиаси йўқ эди. Уни ана шу сўнгги чорани қўлланишга мажбур қилган бирдан-бир сабаб компартияга мансублиги учунгина адолатсиз равишда «совуқ олов»да ёнасан, деб ваъда қилганликларини тергов кўрсатди).

Ҳозир эса Чехословакиядаги газеталарнинг кўпида бу воқеа ҳақида лоқайд хабарларгина кўзга ташланди. Фақат коммунистик матбуот Грибик ўзини ўзи ўлдиргани сабабларини батафсил ёритди. Шуниси равшанки, тарих тақрорланмоқда, бинобарин бабли унча сезилмайди.

Шунга қарамай бу ерда ҳам ачинарли фактлар мавжуд. Бу фактларнинг энг янгиси — Собиқ ПБИПнинг ва унинг меросхўри бўлган Польша Социал Демократиясининг сўнгги таянчи бўлган «Праса-Ксенжка-рух» ишчи нашриёт кооперативи тугатилганлигидир. Сеймнинг нашриётни тугатиш тўғрисидаги қарори сўл кучларни матбуот базасидан маҳрум ниҳоят Совет-ҳарбий госпитали — маънавий жиҳатдан эзилган оғир касал кишининг бошига солинган бу кулфатлар ҳозирги ГДР образини чиройли қилиб кўрсатмайди. Бунинг устига, Хонеккерга қарши қўйилган жиддий айблар, масалан давлатга хиёнат қилиш ҳақида қўйилган айблар аввал бошданоқ ишонарли эмасди ва тергов давомида ҳам тасдиқланмади.

ГДР, ЧССР, Руминиянинг собиқ раҳбарлари ҳокимиятни суиистеъмол қилганликлари, авторитар усулларни ўрнатганликлари учун, кенг халқ оммасининг орзу-истаклари билан ҳисоблашмаганликлари учун тўғридан тўғри жавобгардирлар, албатта. Лекин ана шу мамлакатлардаги нуфузли кучлар ҳозир масъулиятни собиқ ҳукмрон партияларнинг барча оддий аъзолари зиммасига юклашга, сўл кучларни бўшаштиришга ва уларни ёмон отлиққа чиқаришга уринмоқдалар. Бунда Чехословакия, Польша, Венгрия, ГДРда жамиятдаги нозик фикрлар хилма-хиллиги ўрнини аслида яққол сезилиб турган ўнг кучларнинг ҳокимиятига янги монополияси эгалламоқда.

Ана шу мамлакатларда янгиланишнинг энг ҳунук варианти юз берганлигини очиқ тан оладиган пайт келди. Мамлакатни бошқаришни демократик социализмнинг ва ҳатто фикрлар хилма-хиллиги мавжуд бўлмаган ҳамда демократиянинг тарафдори бўлмаган кишилар қўлга олдилар. Янги маъмурларнинг сиёсатида Ғарб берадиган қарзларга ожизона кўз тутишга асосланган ўзига хос миллатчиликнинг кўринишлари, қайта қуришга хайрихоҳликни сохтакорлик билан яширувчи советларга қарши ўзига хос кайфият, бир киши учун имконият ва ўн киши учун ночорлик келтирадиган ўзига хос шуҳратпарастлик кўзга ташланмоқда.

Социалистик мамлакатлар бир вақтнинг ўзида бизнинг дўстларимиздан душманимизга айланиб қолди, деб ҳисоблаш мумкин эмас, албатта. Уларнинг объектив давлат манфаатлари бизнинг манфаатларимизга ҳамон мос келмоқда. Сўл кучлар тез орада ўзларини ўнглаб олишига ва ўз сафларини қайта тузишларига шубҳа йўқ, чунки жамиятда ижтимоий адолат, инсонпарварлик олий мақсадлари ва анъаналари чуқур илдиз отган. Лекин ана шу кучлар таңқид ўти, кўпинча ноҳақ таъналар ва айблар остида қолган ҳозирги пайтда, аҳолининг кўпчилик қисми орасида ақл-идрок эмас, ҳиссиётлар устун келаётган пайтда демократиянинг духоба либосларида минглаб ва минглаб кишиларга оғир азоб берадиган ўткир тиканаклар ўсиб чиқишини кутиш мумкин.

Александр КОНДРАШОВ
(ТАСС).

Тил ҳақидаги Қонун—амалда

БУ СОҲАДА ҲАМ ЎРНАК

В. И. ЛЕНИН 1893 йилнинг 25 апрелида «Меҳнатни озод қилиш группаси» билан — Г. В. Плеханов, П. Б. Аксельрод ва В. И. Засуличлар билан алоқа боғлаш ва Ғарбий Европадаги ишчилар ҳаракати билан танишиш учун чет элга жўнайди. Ўша ёқдан онаси Мария Александровна йўллаган хатида шундай деб ёзади: «Чет элда икки кундан бери саёҳат қилиб юрибман ва тил ўрганишни машқ қилаяпман... немисларнинг тилига жуда машаққат билан тушунаяпман... руҳим тетик, зўр бериб немис тилида гапириб юрибман».

— Шуниси диққатга сазоворки, доҳий қийинчиликларга қарамасдан немис тилини ўргана олган ва бу нарса немис тилида ёзилган адабиётларни ўқишга унга имкон яратган.

1895 йилнинг 10 августида Берлиндан туриб онасига ёзган хатида: «Немисларнинг жонли тилини француз тилига қараганда жуда кам тушунаман. Немислар шу қадар ғалати талаффуз қиладиларки, мен ҳатто кўпчиликка қараб айтилаётган гапларни ҳам англаб олмайман, ҳолбуки Францияда бу сўзларнинг ҳаммасини дарҳол тушуна қолар эдим... Дарвоқе хафа бўлаётганим йўқ, лекин тилни яхшилаб ўрганиб олиш учун вақтим камлигига ачинаман» деб ёзади.

Доҳий фаолиятини ҳатто қамоқда ҳам тўхтатмади. Онаси Мария Александровна, синглиси Мария, опаси Анна Ульянова-Елизарова билан шифрли (шартли белги) хатлар орқали алоқа боғлади. У қамоқ қийинчиликларига қарамасдан немис тилини ўрганишни давом эттирди.

Фикримизнинг исботи учун опаси А. И. Ульянова-Елизарова ёзган мактубидан парча келтирамиз. «Ҳозир немисчадан таржима қилаётирман, шунинг учун Павловский луғатини келтириб беришингни илтимос қилар эдим». В. И. Ленин 1898 йилда Шушенское қишлоғида сургундалик вақтида ҳам немис тилини ўрганиб борди ва Германияда Реклама фирмаси нашр қилган рисолаларни, Тургенев асарларининг немисча таржимасини ва немис тили грамматикаларини сўраб, синглиси М. И. Ульяновага хат ёзди: «Тургеневнинг немис тилидаги таржимасига келганда менимча, энг яхшиси Вольвдан суриштиринглар ва бира тўла ундан лоақал Реклама нашрлари каталогини ҳам олиш керак. Тургенев асарларининг қайси бири бўлса ҳам майли, биз учун фарқи йўқ, — таржимаси яхши бўлса бас...».

Доҳий сургун йиллари немис тили билан бир қаторда инглиз тилини ҳам ўрганиб борди. У биринчи марта Веббнинг инглизча китобини таржима қилишга киришади. У оғир қийинчиликларга қарамасдан немис тилини мукаммал ўрганиб ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Ҳаттоки К. Маркс ва Ф. Энгельснинг немис тилида босилган хат ва мақолаларини ўқиб, конспектлар тузди. Шу туфайли Ленининг «Маркс билан Энгельснинг ёзишмалари» асари майдонга келди. У бу «Ёзишмалари»ни немис тилида чоп этишда хато босган Э. Бренштейн туфайли қийналсада яна бир карра қайта ўқиб чиқишига тўғри келди. Бу ҳақда доҳий «Редакция ишларини Э. Бренштейн бажарди, яъни айрим даврларда ёзилган хатларга сўз бошилар тузиб берди. Лекин бу иш ҳам техник, ҳам ғоявий жиҳатдан қониқарсиз бўлиб чиқди, шундай бўлиши табиий эди. Бренштейн ёзган сўз бошиларининг бир қисми нуқул сохта гаплардан иборат эди», деб ёзган эди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ёзилган «Коммунистик партия манифести» асарини рус тилига таржима қилган кишилардан бири В. И. Ленин эканлигини эсласак, унинг чет тилини қанчалар яхши билганлигини кўрамиз. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари» китобини ёзиш учун К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Муқаддас оила», Э. Геккелнинг «Ҳаёт мўъжизалари» ва Фейербахнинг «Диннинг моҳияти» тўғрисидаги лекциялар», «Фалсафа тарихига доир лекциялар» ва бир қатор тилларда ёзилган асарларни асл ҳолида ўқиб, улардан цитаталар олади. Н. К. Крупскаянинг эслашича доҳий француз, немис ва инглиз тилларини жуда яхши билган, таржималар қилган, улардан ташқари поляк, итальян тилларини ўрганган, чех ва швед тилларида ҳам гаплаша олган.

Шунинг учун ҳам доҳиймиз тил билиш миллатлар ўртасидаги бирбирини тушунишнинг воситаси эканлигини ҳаммадан кўра олдинроқ ва яхшироқ тушуниб етган. Тил ўрганиш ва уни билиш жаҳон маданияти хазинасидан фойдаланишнинг энг асосий омилларидан бири деб ҳисоблаган. Шунинг учун у қайси тил бўлишидан қатъи назар унга она тилидек муносабатда бўлиш кераклигини кўрсатиб берди.

В. И. Ленин 1913 йилдаёқ ёзган эдики... «бирор мамлакатнинг тилини, яъни савдо муносабатларининг манфаатларига кўра кўпчиликнинг билиши фойдали бўлган тилни... оборот эҳтиёжларининг ўзи белгилаб беради. Турли миллат аҳолиси бу қоидани қанча ихтиёрий равишда қабул қилса, у шунчалик мустаҳкам бўлади, демократизм қанчалик изчил бўлса... бу қоида шунчалик тезроқ ва кенгроқ амалга оширилади».

Ҳа, бугунги кунда мактабдан тортиб, олий ўқув юртларигача тилларни ўқитиш доҳиймиз орзу қилганидек йўлга қўйиляпти. Ўз она тилимиз қатори бошқа тилларни ҳам ўрганиб, уни тушуниб етишликнинг ўзи биз ёшлар учун бир санъатдир.

И. ЖУМАЕВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти талабаси.

Илм-фан кишилари

Тиниқ фазилат



ТИЛШУНОС олимларимиздан Ҳайдарали Узоқовни кўпчилик қалам аҳллари яхши танишади. У маорифимиз, маданиятимиз ва тилшунослигимиз учун фидокорлик кўрсатиб, куюнчаклик билан меҳнат қилиб келяпти. Бир куни олим билан ўзбек тилимизнинг бойлиги хусусида суҳбатлашиб ўтириб, шакли ҳар хил, ўзи бир хил маънони англатадиган сўзлар ҳақида фикрлашдик.

— Ўзбек тилидаги сўзлар анвойи ранг-бўёқларга ўхшаб жилоланади, — деди у ҳаяжонда гапириб. — Мана бир мисол: осмон, само, фазо, коинот, фалак, кўк... Эҳе, буни яна давом эттириш мумкин. Лекин гапда фикр маъноларига қараб, осмон, само, фазо... сўзларини ўрнига ва оҳангига мос равишда ишлатилса, сўз жилва қилади.

Ҳайдарали ака сўзни — қалбнинг дуру гавҳари деб билади. Ўзбек тилимизга Давлат мақоми берилгандан бери у жонкуярлик билан тил бойлигимиз, атамаларимиз ва қадимий анъаналаримиз ҳақида ўнлаб сермазмун мақолалар ёзди.

Рўзномаларда тил бойлигимиз ва унинг равнақи ҳақидаги баҳсларда бир қатор сермазмун фикр-мулоҳазалари билан қатнашди.

Олимнинг ҳаётига назар солсак, унинг 60 йиллик умрининг қирқ йили илмий-ўқитувчилик, қаламкашлик ва жамоатчилик фаолиятига бағишланибди. Ҳайдарали ака Тошкент Давлат дорилфунунининг филология бўлимини тугатиб «Ўқитувчилар газетаси»да, «Ёш ленинчи» рўзномаларида ишлади. Тил ва адабиёт институтининг диалектология секторида илмий ходим, Фарғона педагогика институтида чет тиллар факультетининг декани ва доценти, сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтида доцент бўлди, у ўзи ишлаган илмий муассасаларда партия ташкилотларига етакчи коммунист сифатида бошчилик қилди.

Ўзбек тили илми бўйича Ҳайдарали Узоқовнинг эътиборга лойиқ муаммоларни ҳал этишга бағишланган 150 дан ортиқ мақолалари унинг сермаҳсул олим эканлигидан шоҳидлик беради. Унинг «Жой номлари сўзлганда», «Топонимларга саёҳат», «Иборалар — умумхалқ тили бойлиги», «Тўрт сўз тарихи», «Жой номлари тўғри ёзилсин», «Тил қудрати», «Адабий тилда йўқ иборалар», «Ширин сўз — жон озиғи» каби ўнлаб мақола ва рисолаларини китобхонлар завқ-шавқ билан ўқишмоқда.

Иқтидорли олимни ҳаётимизда юз бериб турган янгиликлар, қишилар ўртасидаги муомала-муносабатлар, халқлар дўстлиги масалалари, ёшлар тарбияси муаммолари мунтазам безовта қилади ва ижодга ундайди:

— «Гиёҳвандликка қарши қандай курашмоқ керак?» деган китобимни ғоят изтироб билан ёздим, — дейди Ҳайдарали Узоқов куюниб. — Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик авж олиши жамиятимиз шаънига ва ижтимоий ҳаётимизга доғ тушириб, катта зарар келтиришини ҳис этдим. Китобимда бу қора ўлатни йўқотишнинг йўлларини ифодалаб беришга ҳаракат қилдим.

Фидокор олим тилшунослик бўйича ўндан ортиқ китоблар, дарсликлар, қўлланмалар яратиш билан бирга, ёшлар тарбияси, ахлоқ-одоб, ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам қатор мақолалар ёзиб, қайта қуриш ва покланиш даврининг қурашларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаяпти. Ҳайдарали Узоқов айни кунларда Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг доценти. шу олийгоҳда ташкил этилган ўзбек тилини ўрганиш маданий марказининг мудири, шунингдек, кўп нусхали «Муҳандис» рўзномасининг муҳаррири бўлиб меҳнат қилмоқда.

Инсондаги яхши фазилатлар зеб-зийнат ҳисобланади. Ҳайдарали ака Узоқовнинг ҳушфеъллиги, самимийлиги, дўлвор ва одамларга мададкорлик хислатлари унинг софдиллигига чашма каби тиниқ фазилат бағишлаб туради.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



БОЛАЛАР ҚАРОРГОҲИ

Шаҳримиз аҳолиси тарихий ёдгорликларга алоҳида эътибор билан қарайди. Жумҳурият идораларидан бири Сапёрлар кўчасидаги тарихий қароргоҳни бузиб, унинг ўрнида уй қуришни мўлжаллаганида пойтахт жамоатчилиги ажойиб меъморчилик намунаси ҳамда тарихий ёдгорлик биносини ҳимоя қилиб қолганди.

Шу воқеага ҳам икки йил бўлди. Қароргоҳ қайта таъмирланди. Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Рассомлар уюшмаси ташаббусига кўра бу ерда болалар бадиий ижодининг жумҳурият маркази ташкил этиладиган бўлди. Марказда тасвирий санъат, графика, ўймакорлик, кино, сураткашлик устахоналари, адабий тўгараклар фаолият кўрсатади. Яъни болалар бу ерда ўзлари қизиққан соҳа билан машғул бўладилар. Ўқишга болалар уйи ва интернат тарбияланувчилари биринчи навбатда қабул қилинадилар.

СУРАТДА: бадиий тасвир устахонасида.

(ЎзТАГ сурати).

Атамалар бурчаги

мороженое	музқаймоқ
нагрузка	юклатма, юклама
наушник	қулоқлик
некролог	таъзиянома
область	вилоят, музофот
океан	бақр, уммон
оптимист	некбин
отдел	шўъба, бўлим
пароль	им, ишора
пейзаж	манзара
план	режа
платформа	ҳаракат дастури, дастур
	дастурнома, дастурламал
прихлавка	пештахта
протокол	йиғин баённомаси
публицист	мушоҳадатнавис
райисполком	райижроқўм
регион	музофот, минтақа
редакция	муҳаррирлик, таҳририят
редколлегия	таҳрир ҳайъати
рекомендация	тавсиянома
репрессия	қатағон
рубрика	ойнасўз
секретарь	котиб
секретариат	котиблият
сепаратизм	айирмачилик
сепаратист	айирмачи
символ	рамз
смотр-конкурс	кўрик-танлов
совет	шўро, кенгаш
справочник	маълумотнома
социал	ижтимоий
союз	иттифоқ, уюшма
стенограф	тезёзар
талант	истеъдод, талант
текст	матн
телефото	телесурат
территория	ҳудуд, ўлам, сарҳад, тегра
трап	нарвонзина
тренер	ўйингир
трилогия	салоса
трос	симарқон
фамилия	наслнома
фантаст	фаразбон
фажия,	сажия, тинат
характер	музхона, совутгич
холодильник	мусаввир
художник	эшикбон
швейцар	тежамкорлик, иқтисодиёт
экономика	иқтисод, тежам
экономия	сайрчи
экскурсант	тезюрар
экспресс	нафосат
эстетика	ёрлиқ, тамға
ярлык	раста
ярмарка	

Ҳ. ШАМСИДДИНОВ,
Жумҳурият атамашунослик комитетининг бош мутахассиси.

ЎЗБЕКЧА «ТИЛЛАШАДИ»

⊙ ЎҚУВ тартибига ахборот ва ҳисоблаш асослари дарсининг киритилиши муносабати билан қурилмаларга бўлган талаб ортиб кетди. Бу муҳим таълимий ишни муваффақиятли адо этишда совет-болгар корхонаси мутахассисларининг амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилгандан сўнг «ақл»ли машиналарни ўзбек тилида ҳам «гапиртириш» тадбирларини кўришга киришилди. Мутахассисларнинг жиддий изланишлари туфайли компьютерларни ўзбекча ёзув намуналарига мослаш имкони туғилди.

Корхона келгусида бундай компьютерларни кўп нусхада чиқаришни режалаштириб қўйди. Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги билан тузилган шартномада умумий таълим тартибига мос қурилмалар тайёрлаш ҳам кўзда тутилди.

Шу йилнинг ўзида жумҳуриятимизда 2.500 нафар янги компьютерли синфлар очилади. Айни бир вақтда мавжуд «ақл»ли машиналарни замонавийлаштириш устида ҳам қизғин амалий ишлар олиб борилади.

А. АЛИЕВ.

Куюнчаклик билан ёзилган

ЭЪТИБОР ШУМИ?

ЎЗБЕК тилига давлат тили мақоми берилиши муҳим воқеалардан бири бўлди. Шу муносабат билан турли давлат корхона ва муассасаларида иш юритиш аста-секинлик билан бўлса ҳам она тилимизда амалга ошаётир. Бундай хайрли ишлар кишини қувонтиради, албатта. Бироқ яқинда ўтган сайловлар муносабати билан сиёсий аҳамиятга молик бўлган, айрим халқ номзодларининг таржиман ҳоллари битилган депутатлик варақалари ҳозирги замон тилимиз нормаларига жавоб бера олмаслигини қандай тушуниш мумкин. Мана шундай варақалардан бири: **«1990 йил 18 февраль Ўзбекистон ССР маҳаллий Советлари депутатлари сайлови».** Бу сўз қурилмасини таҳрир қилиб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки зукко ўқувчи бундан тегишлича хулоса чиқариб олади.

Телефон будкасининг олдида ёши улуғроқ бир одам жиғибийрон бўлиб турарди. Сабабини суриштирган эдим, «Мана буни ўқиб кўр», деб варақага ишора қилди: **«XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод 2... № сайлов округидан...»** ёзувни босмадан чиқарган зотлар қайси тил нормаларига асосланган эканлар? Наҳотки, биз шу даражада тилимиз нормаларининг бузилишига ҳам кўникиб қолган бўлсак? Мабодо ушбу варақалардан бири ўзбек тили нормаларини биладиган хорижий меҳмонлардан бирининг қўлига тушиб қолгудек бўлса, бутун халқимизни саводсизликда айбламаслигига ким кафолат бера олади.

Энди мана бу мантиқсизликка қандай қарайсиз: **«Меҳнат фаолиятини 1979 йилда... бошлаган, 1973 йилдан... ишлай бошлади».** Ахир саводсизликнинг бир кўриниши бўлган бундай варақаларни ҳеч бўлмаганда яқин атрофдаги ўзбек мактабларидан бирининг она тили ва адабиёти муаллимига ўқитиб олинса бўлмасмиди?

Ҳамма нарсага шу даражада лоқайд боқсак, эртанги келажак авлод бизни кечирмайди. Наҳотки, Навоий ва Бобур, Машраб ва А. Қодирийлар донгини оламга танитган она тилимизга бўлган бугунги эътибор шу бўлса?

А. УМАРОВ.

КИМДАН МАДАД КУТАЙЛИК

АЗАЛДАН «Яхши ном — ҳусн» деган ажойиб гап бор. Шунинг учун ҳам ота-она фарзандли бўлганда яхши ният билан чақалоққа ном танлайди. Бу удум йиллар ўтиши билан алоҳида эътибор ва қадр-қиммат топмоқда. Майдонларга, турар жой даҳаларига яхши номлар қўйиш тобора одат тусига кириб бораяпти. Тарихий атамалар тиқланмоқда. Аммо биз яшаётган кўчага шу ўзгаришларнинг шамоли ҳали бери кириб келадиганга ўхшамайди. Уйимизнинг шимол ва жануб томонидаги ёндош кўчалар Жуковский, Павлов номи билан юритилади. Бизнинг кўча эса ном етишмагандай «Павлово-Жуковский» деб аталади. Уйимизга эса «К. Цеткин кўчаси» деган ёзув осиб қўйилган. Масъулиятсизлик ҳам шунчалик бўладими? Кимларнингдир қачонлардир қилган хатоларини эвазига юзага келаётган баъзи бир қийинчиликлар фақат ўзимизгагина аён. Адресимизда бир қарасангиз «Павлово-Жуковский кўчаси», бир қарасангиз «Павлово-Жуковский массиви» деган ёзувлар пайдо бўлиб қолади. Бундан ортиқ ҳангома бўлмаса керак. Баъзида ўзимиз ҳам қайси кўчада яшаётганимизни билолмай чалкашиб кетамиз. Аҳвол сўраб қидириб келиб, кетувчиларнинг сарсон бўлишини кўрсангиз эди. Оворагарчиликларга чек қўйишда ёрдам сўраб ҳатто депутатларга ҳам мурожаат этдик. Аммо уларнинг қўлидан ҳеч қандай иш келмади. Энди нима қилайлик? Массивимизда турли миллат вакиллари яшашади. Уларнинг орасида жамият ва халқ ишига камарбаста бўлиб келаётганлар ҳам оз эмас. Эҳтимол шундай ажойиб кишиларнинг бирининг номини мана шу кўчага бериш маъқулроқдир. Бунга шаҳар жой номларини белгилаш комиссияси аъзолари қандай қарашаркин?

Ғ. МИРЗАБОЕВ,
Ленин райони, Павлово-Жуковский кўчаси, 4-уй, 50-хонадон.

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

ЯҚИНДА Ш. Руставели ва Б. Хмельницкий кўчалари кесишган жойдаги 65-сартарошхонага кириб қолдим. Гапнинг очиғи, сартарошхонанинг ташқи томони ҳам, ички бўлмаси ҳам жумҳуриятимизнинг давлат тили ҳақидаги Қонуни талабларига зид ҳолда, фақат рус тилидаги сўзлар билан тўлиб-тошиб ётарди. Бундан ҳайрон бўлдим: «Салон Нежность», «Мужской зал», «Женский зал» сўзлари шипдан ойна-ю эшикка қайта-қайта ёзиб ташланган эди. Соч-соқолимни олдириш ҳам ёқмай, сартарошхонани тарк этдим. Ш. Руставели кўчаси бўйлаб, тўқимачилик корхонаси томон, йўлнинг ўнг тарафидан кета бошладим. Во ажаб, Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси тасарруфидаги яна бир муассаса жойлашган бино ҳам олдингисидан қолишмас экан. Унинг ён тарафдаги деворларига рус тилида ташкилотнинг номи ёзиб ташланибди. Астагина ичкарига кирдим. Хона ичида бирорта ўзбекча ёзув йўқ эди.

Юқорида тилга олинган ҳар икки муассаса ҳам Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли. Ҳар иккаласида ҳам устама нархда аҳолига хизмат кўрсатилади. Уларнинг номлари, шароитлари шундан далолат бериб турибди: «Ателье мод висшего разряда». Оддий эмас «висший!» Сартарошхонага киринг. Бу ёқдаги «Нежность» ёзувидан унинг нархини билиб оламиз. Ҳамма жойда бир ярим сўмга соч тўғрилатсангиз, уларда 2 сўм 20 тийин, 2 сўм 30 тийинга ишингизни битирасиз. Сабаби: олий даражадалигида!

Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги Қонунининг 28-моддасида жумҳурият ҳудудидаги барча жой номлари миллий шаклда берилиб, ягона давлат тилида қайд этилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг унга амал қилмаслигига нима монелик қилаяпти экан? Масъулиятсизликми ёки лоқайдлик?

А. ЮСУПОВ.

Яшил дорихона

ХУШБЎЙ ВА ШИФОЛИ

⊙ Тоғрайҳон тоғларнинг пастки, ўрта қисмидаги қияларда ўсади. Ўтлоқларда, ўрмонда ҳам учрайди. Тоғрайҳон кўп йиллик, бўйи 30—80 сантиметрга етадиган хушбўй ўт-ўсимлик. Пояси тўрт қиррали, юқори қисми шохланган. Барги тухумсимон бўлади, банди билан пояда қарама-қарши жойлашган. Гулларн майда, қалқонсимон тўпгулни ташкил қилади. Меваси — тўртта ёнғоқча.

ТОҒРАЙҲОННИНГ 150 га яқин тури учрайди. Оддий тоғрайҳон, тоғқора райҳони, ўрмон ялпизи, райҳон, себинак деб ҳам аталади. Ўсимлик хушбўй, манзарали гул сифатида экилади. Унинг пайдо бўлиши борасида ривоятлар ҳам битилган. Жумладан шундай:

Қадим замонларда яшаган камбағал қизнинг онаси вафот этгач, отаси бошқа хотинга уйланибди. У жуда баджаҳл экан, қизга зулм қилибди. Натижада у ҳар доим эски, йиртиқ-ямоқ кийимда юришга мажбур бўлибди.

Қиз гўзаллигидан жулдур либослар ҳам унинг ҳуснини бузолмас экан. Шамол худосининг одам қиёфасини олган ўғли Зефир кунларнинг бирида қизни ногаҳон кўриб, ошиқ бўлиб қолибди. Лекин бир-бирларига етишиш насиб этмабди. Катта акалари — шиддатли шамолларга кенжатойнинг хоҳиш-иродаси ёқмабди. Улар даҳшатга тушиб, авжга чиқибдилар ва ер юзидаги жамики нарсаларни супуриб ташлабдилар. Осмонда қуёш пайдо бўлибди. Уни кўрган шамоллар шаштларидан тушиб, жимиб қолибдилар. Қуёшнинг иссиқ нурларн таъсири билан Зефир тинч эсиб эркаловчи сабога, қиз эса райҳонга айланиб қолибдилар. Шундан буён майин шамол билан райҳон шивирлашар экан. Уларнинг шивир-шивирларидан ҳамма ёққа севги бўйи тарапар эмиш...

... Шифобахш гиёҳ сифатида унинг ўтн (юқори қисми) ишлатилади. Таркибида ҳар хил фойдали дармондорилар ва маъданлар бор. Райҳоннинг барги, гули, шохлари пазандачилнда ҳам ишлатилади. Бодринг, қўзиқорин, помидор тузлашда, квас, пиво тайёрлашда қўлланилади. Майдаланган тоғрайҳон ўсимлиги қуруқ меваларга, гуручга, кийимларга қурт-қумурсқалар тушмаслигига қарши сепилади. Ел қайдовчи чойлар таркибига киради. Халқ табобатида гиёҳ дамламаси иштаҳани очиш учун ва овқат ҳазм қилишни яхшилашда қўлланилади. Юқори нафас йўлларн шамоллаганда, асаб қўзғалиши ортганда яхши омилдир.

Ўсимлик дамлама ва қайнатмаси турли чиркин яраларга бозилатма учун ишлатилади. Болаларда рахит хасталигида обзан (ванна) қилишда, ўткир ва сурункали меъда-ошқозон хасталигида, яралн қулунж, ўткир ва сурункали бронхит, шамоллаш, ўт-тош хасталигида, ўт (сафро) ҳайдовчи, қорин дам бўлганда яхши наф келтиради. Ларингит, стоматит ва томоқ оғриғида оғиз чайиш учун тоғрайҳон дамламаси ажойиб малҳамдир.

Замонавий табобатда у расмий равишда доривор ўт ҳисобланади, СССР, Австрия, Дания, Норвегия, Польша, Чехословакия каби мамлакатларда кенг қўламда ишлатилади. ГДРда тоғрайҳон изтиробли йўталда, тинчлантирувчи, тутқаноққа қарши восита сифатида ишлатилади. Тоғрайҳон қон босимн ошганда пасайтирувчи, паришонхотирлик (атеросклероз), буйрак ва жигар хасталикларида ҳам ишлатилади.

Гиёҳдан қўлланиш усуллари:

Икки ош қошиқда майдаланган ўтини икки стакан қайноқ сувга солиниб, 30 минут мобайнида оғзи берк идишда дамланади. Сўнг докадан ўтказилади. 2—3 ош қошиқдан кунига 3—4 марта овқатдан 15 минут олдин ичилади. Обзан (ванна) қилишда: 300 грамм тоғрайҳон ўтн 3 литр сувга солинади. Паст оловда милтиллатиб 20—30 минут қайнатилади. Докадан ўтказилгач, идишдаги сувга солинади.

Тоғрайҳоннинг талайгина шифобахшлиги билан бирга, нохуш томонлари ҳам бор. Уни ҳомиладор аёллар, меъданинг гиперацид формасида, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор ва қон босими паст бўлган кишиларга тавсия қилинмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
Фарғонадаги доришунос.



⊙ЎЗБЕК ТИЛИ САБОҚЛАРИ. Иттифоқ Давлат банкига қарашли ҳисоб-кредит техникуми ўқитувчилари ўзбек тилини ўрганмоқдалар.



Суратли ахборот

Элнора — Осиё гўзали



«ОСИЁ гўзали—90» танловида қатнашган даъвогарлар — И. Басқакова, Г. Муҳамедова, С. Самқинова, Г. Бобожонова, Б. Гулакова, Г. Омонқулова, Э. Сулаймонова ва Е. Балабановалар икки шартни бажаришлари керак эди. Даставвал таклиф этилган 13 нафар қиздан 5 таси асосий босқичга чиқа олишмади.

Иштирокчилар оппоқ парда ортидан рақсга тушиб чиқа бошладилар. Ҳар бир жумҳурият вакилини ўша халқнинг миллий кийимидаги қиз ва йигитлари кутиб олдилар.

— Сиз қандай мақсадда бугунги танловда қатнашаяпсиз? — сўради ўртани олиб борувчи қирғизистонлик Элнора Сулаймоновадан.

— Бу ерга келишимни ўртоқларим маслаҳат бердилар, — деди у жилмайиб. — Ким ғолиба бўлади, буни айта олмайман, лекин Тошкентга келганимдан жуда хурсандман.

Танлов шартларидан охиргиси, машина рулини компьютер орқали бошқариш, телефонда, хорижий тилда сўзлашиш ва ёзув машинқасида ёза билиш бўйича мусобақалашиш учун қизлар яна саҳнага таклиф этилдилар. Улар бу вазифани бажарганларидан сўнг ғолибалар аниқланди.

СССР халқ артисти, СССР халқ депутати, профессор Бернора Қориева ғолибларни таништирди.

«Осиё гўзали—90»га қирғизистонлик 19 ёшли Элнора Сулаймонова муносиб кўрилди. «Ёшлик» гўзали деб Бинафша Гулакова. «Шаҳризод гўзали» деб Солия Самқинова, «Кино гўзали» деб Гулсара Бобожонова топилдилар.

О. МАХМАЮСУПОВ.

● **СУРАТЛАРДА: Э. Сулаймонова; гўзаллик танловининг кейинги шоҳсупаларини эгаллаган қатнашчилари.**

А. Рисқиев (ЎзТАГ) суратлари.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари! Сизларни байрамолди сабзавот ярмаркасига таклиф қиламиз!

Сотувда картошка, сабзи, карам, пиёз, саримсоқпиёз, бодринг, памилдори, редиска, лавлаги, кўкатлар, шунингдек, сабзавот консервалари, консерваланган бошқа маҳсулотлар бўлади.

Шаҳар ва район ярмаркалари

27 АПРЕЛДАН 30 АПРЕЛГАЧА

соат 9 дан 19 га қадар

ИШЛАЙДИ.

Район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатлари иштирокида ярмаркалар К. Маркс кўчаси бўйлаб ва Дзержинский майдонида ҳамда қуйидаги маконларда ўтади.

Ленин район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — Манжара кўчасида, «Фурқат» боғи яқинида;

Акмал Икромов район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — Шайхзода кўчасида;

Киров район улгуржи-чакана мева-сазавот комбинати иштирокида — Юнусобод бозорида;

Куйбишев район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — М. Горький проспектида, «Саёҳат» меҳмонхонаси яқинида;

Октябрь район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — Бош универсал магазин олдидаги майдонда;

Собир Раҳимов район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — Қорақамиш 1/2 мавзесидаги бозорда;

Сергели район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — Сергели—3 савдо маркази яқинида;

Фрунзе район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — Ивановолик тўқувчилар кўчаси, «Бошлиқ» савдо расталарида;

Ҳамза район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — Авиасозлар бозорида;

Чилонзор район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати иштирокида — «Шуҳрат» магазини қаршисида;

Тошкентдаги барча шаҳар ярмаркаларида Ўзбекистон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси ташкил этилади.

Сизларга қулайлик яратиш учун саноат корхоналари ва турар жой мавзеларида жойлашган катта-катта дўконларнинг иш вақти 29 ва 30 апрель, 8 май кунлари соат 22 га қадар узайтирилади.



1, 2, 9 МАЙ ҚУНЛАРИ БАРЧА САВДО ТАРМОҒИ ОДАТДАГИ ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ.

«ТАШАГРОПРОМ» Тошкент шаҳар давлат-кооператив ишлаб чиқариш бирлашмаси.

БАЙРАМГА ТАРАДДУД КЎРЯПМИЗ

Байрам унга тайёргарликдан, ошхонадан мазали таомларнинг таровати таралишидан бошланади, дейишади. Байрамолди юмушларида деярлик ҳамма иштирок этади, шундай бўлса ҳам асосий оғирлик уй бекалари зиммасига тушади.

Келинг, уларга қандай ёрдам бериш ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Аввалига Марказий универсал магазиннинг хўжалик моллари бўлимига кирамиз. Қаранг, ошхона анжомлари нақадар кўп. Улар тозалаш, тўғраш, ийлаш, ёйиш, қовуриш каби юмушларни енгиллаштиради, шу билан бирга тезлаштиради. Балиқ тозалагичми ёки картошка тозалагичми, пиширйқлар учун қошиқ ёки жўжа қовуриш учун товами, хамир кескич ёки ҳовончами, пиширйқлар учун қолиплар ёки ошхона анжомлари термасими — хоҳлаганингизни танланг.

Ана энди бошқа бўлимларга ҳам ўтса бўлади. Аёлларни тикувчилик буюмлари билан савдо қиладиган бўлимларга таклиф қиламиз. Бу бўлимларда ҳар хил гулли турли бичимдаги ҳар қандай бўй-бастга тўғри келадиган кўйлаклар, «годэ» услубида тикилган юбкалар, этаги кенг юбкалар, катак-катак ва оқ рангдаги ёшларбоп юбкалар бор. Юбкага мослаб шойи ёки ип-газламадан тикилган, узун ва калта енгли бежирим блузкаларни танлаш мумкин.





Газламалар бўлимида гул босилган чит, костюмбоп газламалар, штапеллар, дока матолар, кўйлакбоп газламалар бор.

Эркакларга кўйлак ва галстукларни таклиф қиламиз. Сидирға, катак-катак, йўл-йўл, ҳар хил бичилган, турлича безатилган енги калта ва узун кўйлаклар бор.

Агар байрам куни меҳмонга бормоқчи бўлсангиз, арзимаган бўлса ҳам совға олишни унутманг. Бу куйловчи ликобча ҳам бўлиши мумкин. Сиз дўстларингиз билан ҳузур қилиб, ҳажвчи Евгений Петросяннинг интермедияларини («Аҳволингиз қалай?» пластинкаси), кинофильмлардан Э. Рязанов шеърларига басталанган қўшиқларни, муаллифлар ижросидаги шеърларни, Петр Лешченко, Александр Галич, Дони Зокиров ижросидаги қўшиқларни («Ўзбекистоннинг кекса усталари» пластинкаси), Бобомурод Ҳамдамов ижросидаги шарқона куйларни тинглашингиз мумкин.

Марказий универсал магазин соат 9 дан 20.00 гача ишлайди, дам олиш куни — якшанба.

Марказий универсал магазин.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

28 АПРЕЛДАН

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

СССРДА ЯГОНА

ЛИЛИПУТЛАР МЮЗИК-ХОЛЛИ

«МИТТИ МЎЪЖИЗАЛАР НАМОЙИШИ»

(Икки бўлимдан иборат ёрқин ва ранг-баранг эстрада-цирк томошалари)

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-91, 44-18-12, 44-35-84 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин.

ЦИРК ФОЙЕСИДА СУРАТКАШЛИК ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТ КУРСАТМОҚДА.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

ЖАМОА БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОМОШАЛАР:

ИШ КУНЛАРИ СОАТ 19.00 ДА;

ШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 16, 19.00 ДА;

ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 12, 15, 18.00 ДА

БОШЛАНАДИ

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,
2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ
ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Хонандалар: ДАДАХОН ҒАНИЕВ.
ҲОТАМЖОН ЎРИНБОЕВ.

Концертдан тушган маблағнинг бир қисми БОЛАЛАР ФОНДИГА ва бир қисми ОРОЛ ФОНДИГА ўтказилади.

Программани сўз устаси

МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУК ХОНАНДАЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

5 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Аҳмаджон ШУКУРОВ

«ЗАРАФШОН» ФОЛЬКЛОР ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.
6 май соат 19.30 да

Раҳматжон ҚУРБОНОВ
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
9, 10 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилади.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

28 АПРЕЛЬ СОАТ 10 ДАН 13.00 ГАЧА

Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари

аҳолига почта алоқаси, электр алоқаси ва «СОЮЗПЕЧАТЬ» хизмат кўрсатиш масалалари бўйича

ФУҚАРОЛАРНИНГ УМУМИЙ ҚАБУЛИНИ ЎТКАЗАДИЛАР.

ҚАБУЛ ҚУЙИДАГИ АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИ:

7-алоқа бўлими — М. Горький катта кўчаси, 32-уй.
96-алоқа бўлими — Чилонзор даҳаси, 5-мавзе, 35-уй.
60-алоқа бўлими — Полторацкий кўчаси 2-уй.
31-алоқа бўлими — Сапёрлар кўчаси, 8-уй.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИ
50 ЁШДА

27 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА

«ОЛТИН ТЎЙ»

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН МУСИҚАЛИ ЮБИЛЕЙ ТОМОШАСИ

Театрнинг бутун ижодий коллективи қатнашади.

Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби НОСИР ОТАБОЕВ.

Дирижёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти НАБИ ХАЛИЛОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЭРГАШ ТОШМАТОВ.

Рассом — СОБИР БЕГМАТОВ.

Режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист СУРЪАТ ПЎЛАТОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ШОКИР АҲМЕДОВ.

Хормейстер — КОМИЛЖОН САЪДУЛЛАЕВ.

Концертмейстерлар — БЕЛЛА ЦЕПЕМАН, НИГОРА АЗИМОВА.

Режиссёр ёрдамчилари — Р. МУҲИДДИНОВА, Т. ИСЛОМОВ.

ТЕАТРНИНГ БОШ РЕЖИССЁРИ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби НОСИР ОТАБОЕВ.

ТЕАТРНИНГ БОШ ДИРИЖЁРИ — Ўзбекистон ССР халқ артисти НАБИ ХАЛИЛОВ.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
30 апрель соат 16.30 ва 20.00 да

ҲАЙРИЯ КЕЧАСИ
ЛЕНИНОБОДЛИК ХУШОВОЗ ХОНАНДА
АБДУРАУФ ОЛИМОВ
ва
Ҳажвия-интермедия устаси
ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ
Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон — 45-93-63.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IV да **Севгига севги билан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IV да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IV да **«Олтин тўй»** (театрнинг 50 йиллик юбилей кечаси), 28/IV да **Муҳаббат навоси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ **«ЁШ ГВАРДИЯ»** ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IV да **Знёфат,** 28/IV да **Найнов ва пақана** (19.00).

КИНО

27 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ермatов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 18.00; кичик зал).

Чайка — «ВЕВОШ ЭРКАКЛАР» (17.00); «МОДЕРНИСТЛАР» (18.45, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (18.30, 20.45).

М. Шайхзода номли — «ШЕРАЛИ ВА ОЙБАРЧИН» (Ўзбек тилида, 17, 20.00).

28, 29 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ермatов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 11, 14, 17.00, катта зал; 12, 15, 18, 20.45, кичик зал).

Чайка — «ВЕВОШ ЭРКАКЛАР» (11, 13, 15, 17.00); «МОДЕРНИСТЛАР» (18.45, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (11, 13, 19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

М. Шайхзода номли — «ШЕРАЛИ ВА ОЙБАРЧИН» (Ўзбек тилида, 11, 14, 17, 20.00).

Ўзбекистон жумҳурият, Тошкент шаҳар ва Акмал Икромов ноҳия уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари Акмал Икромов ноҳия уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси, ноҳия Совети депутати

Тўхта ҲАКИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг медицина-санитария қисми жамоаси бош врач А. С. Сайфуллаевга онаси

Қундуз РАҲМАТУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль йўллари институти ректорати ва жамоат ташкилотлари чизма геометрия ва инженерлик графикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси Ҳ. Тошмуҳамедовга онаси

Тўпинисо ТОШМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бутуниттифоқ табобат ва микробиология саноати илмий-тадқиқот кимё-технология институти жамоаси катта илмий ходим, кимё фанлари номзоди П. Л. Исмоиловага акаси

Ҳамидулла Лутфуллаевич САЪДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекгеология» Бош мувофиқлаштириш — геология бошқармасининг геология иқтисодий тадқиқотлар бўйича методик экспедицияси жамоаси экспедициянинг кадрлар бўлими бошлиги А. В. Ғнёсхўжаевага умр йўлдоши

Ўткир Сирожиддинович ҒНЁСХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни Ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03187.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.